Ню-Ёрк, Ист-Хюстон кўчаси, 48-уй. Бу манзилда галати, кўзлари аллакандай нур сочувчи одамови олим яшарди. Унинг граф Дракуланинг кариндоши ва куёш нурига чика олмайдиган вампир эканлиги хакида миш-мишлар юрар, унинг ер шарини бўлакларга бўлиб ташлашга кодир курол яратгани хакида гапиришарди. Бу шахс Никола Тесла эди. Аслида, Тесланинг Дракулага хеч кандай алокаси йўк, Куёшданкочиши эса рост эди, чунки у тез-тез электромагнит майдони таъсирига тушиб колар, мияси ўта сезгир кобилиятга эга бўларди. Ёруглик унинг кўзларини огритар, шитирлаган товуш хам кулогига худди момакалдирокдек эшитиларди. Коронгида эса унинг кўзлари жуда яхши кўрарди.

Доимийлик яхши, ўзгарувчанлик зўр

Бўлажак ихтирочи 1856 йилнинг 9 июлида Сербиядаги Смилян шахарчасида тугилди. Ёшлигидаёк Тесла гайриоддий кўринишда эди: бўйи баланд, озгин, ёноклари туртиб чиккан, кўзлари одамни тешиб юборгудек бокувчи чакнок эди. У бошкалар кўра олмайдиган нурларни кўриш кобилиятига эга эди. Электр уни ёшлик давридан бошлаб кизиктириб кўйди. Осмондаги чакмокдан тортиб, мушукни силаганда пайдо бўладиган учкунларгача.
Рухоний отаси унинг хам рухоний бўлишини истарди. Аммо Никола аввал Австриянинг Гратс шахридаги техника мактабига, сўнгра Прага университетига ўкишга кирди. Иккинчи курсдалигида унинг хаёлини ўзгарувчан ток индуктсион генераторини яратиш фикри банд этди. Тесла профессор Яков Пешлга бу фикрини айтганида, профессор уни телбага чикарди. Аммо бу хулоса ихтирочини янада рухлантирди ва 1882 йилда у индуктсион генераторни ихтиро килди. 1884 йилда Тесла Америкага йўл олди. У ихтирочи Томас Эдисонга парижлик танишидан мактуб олиб борди. Мактубда шундай сўзлар ёзилганди: «Мен дунёда икки буюк одамни танийман. Бири сиз, иккинчиси мана шу йигит».
Никола Ню-Ёркка саргузаштлар билан етиб келганди. Аввалига уни тунаб кетишди. Тесла Америкага оч, юксиз, чўнтагида тўрт тсент пул билан келди. Аммо бу ер улкан имкониятлар мамлакати эканлигини дархол англади: Бродвейда электромоторни тузатишга уринаётган кишиларга ёрдам бериб, 20 доллар ишлади. Эдисон ёш электротехникни ўз компаниясига ишга олди, бирок икки ихтирочи орасида шу захоти ихтилоф юзага келди. Улар муаммонинг ечимига турлича ёндашардилар.
Едисон ва Тесланинг ажралишларига уларнинг электрнинг келиб чикишига оид карашлари турли экани сабаб бўлди. Эдисон умум эътироф этилган «зарядланган зарраларнинг харакати»га ишонса, Тесла бошкача фикрда эди. Унинг фикрича, бутун олам кандайдир кўринмас модда билан ўралган, бу модда ёруглик тезлигидан бир неча баробар тез бўлган силкинишни вужудга келтирарди. «Коинотнинг хар бир миллиметри чексиз, туганмас энергияга тўла» деб фикр юритарди Тесла. Томас Эдисон Теслани танкид килавергач, ихтирочи унга гаров боглашни таклиф этди. Эдисон бу таклифга рози бўлди. Гаровга кўра, Тесла ўз услуби ёрдамида Эдисоннинг заводларидан бирини электрлаштириши керак эди. Эдисон агар ютказса, 50 минг доллар беришини айтди. Унинг фикрича, Тесланинг режаси амалга ошириб бўлмайдиган иш эди. Тесла йигирма тўрт хил ускуна тайёрлади ва киска вакт ичида режасини амалга оширди. Унинг услуби

бўйича электрлаштириш иктисодий тежамкорлик жихатидангоятда юкори эди. Эдисон буни кўриб, хуши бошидан учди, аммо пулни беришдан бош тортди. Шундан сўнг улар бутунлай юзкўрмас бўлиб кетишди.
Едисон билан хайрлашгандан сўнг Теслани «Вестингауз Электрик» компаниясининг хўжайини, гидравлик паровоз тормози ихтирочиси Жорж Вестингауз ўзига ёллади. Бу миллионер Теслани 1888 йилги Америка мухандис електриклар институтидаги маърузада кўрганди. У Тесланинг 40та патентининг хар бирини 25 минг доллардан сотиб олди ва ўзини эсамаслахатчи сифатида ишга олди. Тесла компанияда ишлаш жараёнидакўп фазали электр машина, асинхрон электродвигател ва кўп фазали ўзгарувчан ток оркали электроенергия узатиш тизимига патент олди.
1893 йилда Чикагода ташкил этилган Бутунжахон кўргазмасида ташриф буюрувчилар озгингина олимнинг икки миллион вольт кучланишга эга токни кандай килиб ўзи оркали ўтказаётганини дахшат билан кузатишганди. Назарий жихатдан олиб караганда, олимнинг кули хам колмаслиги керак эди. Аммо у жилмайиб турар, кўлларида эса электролампалар ёниб турарди.

Телба ихтирочи

1895 йили Вестингауз дунёда энг улкан Ниагара ГЭСини ишга туширди. Бу ерда хам Тесланинг кудратли генераторлари ишлаб турарди. Ўшанда ихтирочи масофадан бошкариладиган механизмлар устида иш олиб бораётганди. У Медисон-Сквер-Гардендамасофадан туриб кайикчаларни бошкарди. Одамлар буни афсунгарликка йўйишди. Тесланинг тажрибахонасида бўлганлар унинг хавода энергиядан пайдо бўлган шарсимон нурни кандай килиб кўлида ўйнатгани ва чамадонига солиб кўйганини дахшат билан хотирлашарди. 1898 йилда Тесла тажрибахона жойлашган бинонинг томига кичкина ускуна ўрнатди. Бир оздан сўнг бутун бино силкина бошлади. Одамлар кўркканидан кўчага отилиб чикишди. Тесланинг уйига тез орада политсия ва журналистлар етиб келишди. Аммо у ускунасини ўчирган ва йўк килишга улгурган эди. Кейинрок у журналистларга «Бруклин кўпригини бир соатда бузиб ташлашим мумкин эди», деган эди. У хаттоки мос келадиган вибратор бўлса, ер шарини хам бўлакларга бўлиб юбориш мумкинлигини айтган.
Колорадо Спрингсда Тесланинг тажриба ўтказиши учун учига улкан мис шар ўрнатилган минора барпо этилди. Бу ерда олим узунлиги 4 метрга етадиган чакмокпайдо килди. Атрофга учкунлар сачради. Отларни хам такалари оркали ток урди. Одамларни кўркувга солган бу тажриба хам бежизга ўтказилмаган эди. Минорадан 30 километр узокликда шу пайтда бир вактнинг ўзида 200та электр лампочкаси ёниб турарди. Электр токи симсиз, ер оркали узатилганди.
Охир-окибат, Колорадо Спрингсдаги тажрибалар махаллий электростантсиядаги генераторни ишдан чикарди. Ню-Ёркка кайтишга тўгри келди. 1900 йили Тесла банкир Жон Пирпонт Морганнинг топширигига биноан Бутунжахон симсиз электростантсиясини куришга киришди.
Лонг-Айленд оролида тепасига улкан мис «ликоп» - узатгич ўрнатилган 57 метрли минора курилди. Миноранинг асоси 36 метр чукурликда эди. 1905 йилда илк синов амалга оширилди. «Тесла минглаб километр узокликдаги осмонни ёритди» деб ёзганди

газеталар. Симсиз энергия узатувчи иккинчи минорани Тесла Ниагара шаршарасига курмокчи эди. Аммо бу лойиха жуда катта маблаг талаб киларди. Шу тарзда лойиха амалга ошмай колди.
Тесла 1893 йилда – Марконидан бир неча йил олдинрок биринчи тўлкин узатувчи радиокурилмани ихтиро килган бўлса-да, у Морганга алока эмас, энергияни симсиз узатишга кўпрок кизикишини айтганди.
Аммо Морган бунинг даромад келтирмаслигини ўйлаб, унга рўйхушбермади. Биринчи жахон уруши бошлангач эса, Америка хукумати минораниг душманлар томонидан фойдаланилиши мумкинлигидан хавотирланиб, уни портлатиб юборишга карор килди. Шу тарзда Тесланинг дунёни симсиз боглаш хакидаги орзуси саробга айланди.
Шундан сўнг Тесла патентларининг бир кисмини 15 миллион долларга сотди. Пулига эса Ню-Ёркда ўз тажрибахонасини курди. У яна ихтиролар устида ишлади, патент кетидан патент олди.
Унинг тажрибалари афсонага айланган. Хаттоки, 1908 йилги Тунгус метеорити ходисасини хам у билан боглашади. Айнан ўша ходиса юз берган пайтда Тесла улкан микдордаги энергияни хаво оркали узатиш бўйича тажриба ўтказаётган бўлган. Тунгус портлашидан бир неча ой илгари у машхур сайёх Роберт Пирининг Шимолий кутбдаги экспедитсияси йўлини масофадан туриб ёритиб беришини эълон килганди. АКШ Конгресси кутубхонасида унинг Сибирдаги кимсасиз жойларнинг харитасини сўраганлигини тасдикловчи мактуби сакланиши Тунгус метеоритига унинг алокаси борлиги хакидаги тахминларни пайдо килган.
1926 йилда у Валдопф-Астопия ва Хю-Ёпкдаги тажрибахонасига радиомачта ўрнатди. Олим радиомачта оркалиномаълум сигналларни кабул киларди. Бу сигналларнинг ўзга сайёрадан келганини тахмин килишади.
1931 йилда Никола Тесла оммага сирли автомобилни намойиш этди. У кимматбахо лимузиннинг двигателини олиб ташлади ва электромотор ўрнатди. Сўнг капот ичига кичкинагина кутича ўрнатди ва моторга улади. «Энди энергия бор» деган Тесла автомобилга ўтирди ва юргизди. Автомобилнинг тезлиги соатига 150 километрга етди. Машинани бир хафта синашди. Кутичадаги ток манбаи эса тугай демасди. «Ток каердан келяпти» деган саволга у «Борликдан» деб жавоб берарди. Йигилганлар унинг афсунгар эканликларини айтишгач, Тесла жахл билан кутичани чикариб олди ва тажрибахонасига олиб кетди. Бу кутининг кандай ясалгани ва нима хисобига ишлагани хозиргача сирлигича колмокда.
Тесла ўлимидан бир оз олдин 400 километр масофадан туриб 10 мингта самолётни йўк килишга кодир «ажал нури»ни ихтиро килганлигини эълон килди. Американинг ДАРПА агентлиги 1958 йилда унинг лойихаси асосида «ажал нури»ни яратиш устида иш бошлаган. Аммо 1982 йилда тажрибаларнинг муваффакиятсизлиги ва йирик маблаг сарфланганлиги сабабли лойиха тўхтатилган.

Тесла очган эшиклар

Иккинчи жахон уруши бошланишидан аввал у АКШ харбий-денгиз вазирлигининг махфий лойихалари устида иш бошлади. Бу лойихалар душманни йўк килиш учун масофадан туриб энергиядан фойдаланиш, вактни бошкариш каби лойихалар эди. «Филадельфия

тажрибаси» деб ном олган машхур вокеа унинг иштирокида бошланган.
Никола Тесла бу тажрибада инсонлар курбон бўлиши мумкинлигини олдиндан билган ва ускунани кайтадан тайёрлаш кераклигини талаб килганди. Аммо уруш шароитида бунга вакт хам, маблаг хам етмасди. Тесланинг ўлимидан ўн ой ўтгандан сўнг Америка харбий флоти кемаларни радарга кўринмайдиган килиш борасида тажриба ўтказди. Бунинг учун «Элдриж» эсминецига Никола Тесланинг генератори ёрдамида радарга таъсир ўтказадиган «электромагнит пуфак» ўрнатишди. Тажриба пайтида мутлако кутилмаган ходиса юз берди. Кема нафакат радарга, балки инсон кўзига хам кўринмайдиган бўлиб колди. Бунинг устига, кема турган жойидан юзлаб километр узокликда пайдо бўлиб, сўнг яна Филадельфиядаги базага кайтди. Кема Филадельфиядан Норфолкка «бориб-келгунча» унинг ичидаги одамлар бутунлай телбага айланишди.
Уларнидаволашга узок вакт уринишди, аммо фойдаси бўлмади. Шундан сўнг бу лойиха бекор килинди.
Тесла 1943 йилнинг 7 январида кашшокликда вафот этди. Унинг бор маблаги турли лойихаларни амалга ошириш учун сарфланган эди. Тесланинг ўлими хакида хабар таркалиши биланок, ФКБ махсус бўлими у вафот этган мехмонхона хонасини тинтув килди. Никола Теслага тегишли бўлган барча ёзув ва чизмалар олиб кетилди.
Унинг жасади куйдирилди ва кули солинган кути Ню-Ёркдаги Фернклифф кабристонига кўйилди.
Никола Тесланинг аксарият кўлёзмалари халигача топилмаган. Айримлар бу кўлёзмаларни унинг ўзи ёндириб юборган деб тахмин килишади. Чунки замонасидан ўтиб кетган олимнинг ихтироларига инсоният хали тайёр эмасди...

Дилшодбек Аскаров тайёрлади